

## МАРКАЗДА ТАЛАБАЛАР АМАЛИЁТИ

Бугунги кунда мамлакатимизда малакали кадрларни тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республика болалар ижтимоий мослашуви марказида Олий ўқув юртлар билан тузилган ўзаро ҳамкорлик шартномаси асосида талабалар амалиёти йўлга қўйилган. Бугунги кунда 3 та олий ўқув юртлари билан ўзаро шартнома ўрнатилган бўлиб улар қуйидагилар:

- Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети;
- Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика университети;
- М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳар филиали.

Марказда асосан психология, амалиётчи психологлар, махсус педагогика ва ижтимоий иш йўналишида таҳсил олувчи талабалар амалиёт ўтайдилар. Талабаларнинг назарий билимларини амалиётда қўллаш кўникмаларига эга бўлишлари учун Марказ қошида барча амалиёт турлари йўлга қўйилган.

Марказда талабалар қуйидаги амалиёт турларини ўташлари мумкин:

- танишув амалиёти;
- экскурсион амалиёти;
- ўқув амалиёти;
- малакавий амалиёт;
- ишлаб чиқариш амалиёти;
- битирув малакавий иши (магистрлик диссертацияси) олди амалиёти;
- илмий-тадқиқот амалиёти.

## **ТАЛАБАЛАР АМАЛИЁТИ УЧ БОСҚИЧДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ**

**Тайёрлов босқичи** – талаба амалиётнинг дастлабки кунларида ташкилот фаолияти билан танишади.

**Асосий босқич** – талаба режа ва дастурда белгиланган вазифаларни бажаради.

**Яқуний босқич** – талабанинг амалиёт давомида қилган ишларининг натижалари таҳлил қилинади ва баҳоланади.

### **ТАЛАБАНИНГ АМАЛИЁТ ЎТАШ БЎЙИЧА ҲУҚУҚИ:**

- Марказ тузилиши, фаолияти йўналишлари билан танишиш;
- амалиёт ўташ борасидаги режа ва дастур тартиби билан танишиш;
- Марказнинг кутубхонасидан фойдаланиш;
- талаба амалиёт ўташ юзасидан маълумотлар билан танишиш ва амалиёт раҳбарларидан йўл-йўриқлар олиш ҳуқуқига эга;

### **МАЖБУРИЯТЛАРИ:**

- амалиётга ўз вақтида келиш ва ўз вақтида кетиш;
- режа ва дастурда назарда тутилган барча топшириқларни белгиланган муддатларда тўлиқ бажариш;
- амалиёт кундалигини ҳар куни юритиш;
- ташкилотдан тайинланган амалиёт раҳбарининг топшириқ ва кўрсатмаларини тўлиқ ва сифатли бажариш;
- режа ва дастур бўйича ўз вақтида ҳисобот ёзиш;
- назарий ва амалий билимларни мустаҳкамлаш ва касбий кўникмаларни ҳосил қилиш;
- фаол бўлиш;
- талаба ташкилотнинг ички меҳнат тартиб-қоидаларига риоя қилиши шарт.

## **МАРКАЗ ТОМОНИДАН ТАЙИНЛАНГАН МАСЪУЛ ХОДИМ ТАЛАБАЛАР АМАЛИЁТИГА РАЎБАРЛИК ҚИЛАДИ ВА ҚУЙИДАГИ ВАЗИФАЛАРНИ**

### **БАЖАРАДИ:**

- амалиёт ўташ учун ташриф буюрган талабаларни қабул қилади ва улар билан йиғилиш ўтказади;
- талабаларни Марказ фаолияти ва ички тартиб қоидалари билан таништиради;
- талабаларни техник хавфсизлик қоидалари билан таништиради ва тушунтириш ишларини олиб боради;
- талабаларни бўлимлар фаолияти билан таништиради ва уларни тегишли бўлимларга тақсимлайди;
- талабанинг амалиётга келишини назорат қилади;
- талаба томонидан бажарилган ишларни кундалигида қайд этиб боришини назорат қилади;
- талабалар билан семинар-тренинглар ва давра суҳбатлари ўтказишни ташкил қилади;
- амалиёт ўташ даврида талаба амалиётга келмаса олий таълим муассасасига хабар беради;
- амалиёт якунида талабанинг фаоллиги, интизоми, ишчанлик қобилияти ва маъсулиятини инобатга олган ҳолда тавсифномалар тузиб имзолайди.



